

**МАХСУС МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КИТОБХОНЛИК
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ “ОНЛАЙН (ВИЗУАЛ)
МЕТОДИ”**

Азимова Дилноза Шерзодовна

Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

Одатда ахборот кутубхона марказларида ёшларни китобга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳамда тез, осон шунингдек сифатли ахборот олишлари учун бир қатор методик ишланмалар ишлаб чиқилади. Лекин имконияти чекланган китобхонлар учун бундай ишланмалар саноқли. Янада аниқрок қилиб айтсак, заиф эшитувчи ўқувчиларнинг китобхонлик салоҳиятини ошириш борасида деярли ҳеч бир кутубхонада алоҳида методик қўлланмана яратилмаган. Тадқиқот объекти бўлган ушбу гурӯҳ вакилларининг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб ёки уларнинг ижтимоий холатига қараб китобхонлик тарғиботининг алоҳида методлари яратилмаган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мазкур методика ишлаб чиқилди.

Китобхонлик компетенциясини шакллантиришнинг онлайн (визуал) методида медиа - аудио, телевидение ва визуал воситаларнинг бутун мажмуаси коммуникациялардир. Интернет алоқа воситалари веб-сайтлар, блоглар, ижтимоий тармоқлар бўлиши мумкин.

Виртуал муҳитда китобхонликни тарғиб қилиш учун доимий қизиқарли контент яратиш мазкур метод асосидир.

Контентга қўйиладиган талабларни назарда тутиш керак.

Ҳар қандай матнли контент иллюстрациялар билан тасвирланган бўлиши керак; матнлар маҳсус мактаб китобхонлари учун қизиқарли ва фойдали бўлиши керак; ижтимоий тармоқдаги контент доимо янгиланиб туриши керак. Натижада яратилган контент эътиборни жалб қилиши, китобга мурожаат қилиш истагини уйғотиши керак.

Китобхонлик компетенциясини шакллантиришда онлайн методда мутолаани тарғиб қилиш учун контент тузилиши бир нечта қисмлардан иборат: янги китоблар билан таништириш, китобни оммалаштиришга қаратилган ўқиш учун тавсиялар, электрон китоб манбалари ва воқеалар ҳақида маълумот ҳамда китобларга шарҳлар шулар жумласидандир.

Кутубхона веб-сайти унинг интернетдаги вакили ҳисобланади, унинг асосий вазифаси масофавий фойдаланувчига маълумот беришdir. Маҳсус мактаб ўқувчилари эҳтимол, узоқлиги учун кутубхонага ҳеч қачон келмас, лекин, у кутубхонанинг вертуал оламдаги фойдаланувчиси сухбатдоши, ҳаммуаллиф, ёки ўқувчиси бўлади.

Аҳолини айниқса ёшларни китобга янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида, ҳамда эшитишда нуқсони бор ёшларда китобхонлик компетенциясини шакллантириш ҳамда

ошириш, илмий-оммабоп, бадиий, тарихий асарларга бўлган қизиқиши янада оширишда тарғиботнинг замонавий янги кўринишига айтилади. Мазкур методда турли ижтимоий тармоқлар орқали махсус мактаб ўқувчилари билан онлайн ZOOM конференциялар, акция, викторина, онлайн-буктрейлар намойиши, музейларга онлайн саёҳат ҳамда турли онлайн лойиҳалар ташкил этишни назарда тутади.

Кутубхона маълумотларига қанчалик талаб даражасини баҳолаш учун китобхонлар ва уларни яна нима қизиқтираётгани ҳақида фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш керак. Бунда кутубхоналарда махсус мактаб ўқувчилар билан мулоқот қилиш учун қулай муҳит яратиш мақсадида интернет клубларини яратиш имконияти мавжуд.

Яъни онлайн интеллектуал клуб аъзолари учун алоҳида гуруҳлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу методда келтирилганидек махсус мактаб ўқувчиларини эътиборини янада кенгроқ қамраб олиш учун ижтимоий тармоқларда кўпгина кутубхоналар ўзларининг сайт дизайнни чиройли ва ўзига хос услугда бўлиши учун интиладилар. Чунки бу ижтимоий сахифа ёрдамида ўқувчиларни ўзига жалб қилувчи кутубхонанинг ноёб, қизиқарли қиёфаси гавдаланади.

Онлайн (визуал) методда ижтимоий тармоқларда матнли контентларни шакллантириш

Китоб ҳақида маълумот. Унинг мақсади мунтазам равиша китобхонларга қизик бўлган янги нашрларнинг чиқарилиши ҳақида, кутубхонадаги янгиликлар, шунингдек, турли мавзулар бўйича ушбу кутубхонадаги мавжуд адабиётлардан хабардор қилишдир.

Махсус мактаб кутубхоналари ёки бошқа умумий кутубхона фондидағи китобларни вертуал кўргазмаси, ёки соҳага оид китобларнинг вертуал кўргазмаси бунга мисол бўла олади.

«Кун китоби» рукни кўпгина махсус мактаб китобхонларини қизиқтиради. Ҳар куни ушбу сарлавҳа остида фонднинг янги китоб нашрларидан ёки ўқувчилар томонидан энг кўп сўралган китоб ҳавола этилиши керак. Ушбу рубрикада китоб муқоваси сканер қилиниб тавсия этилади, ёки китобнинг тўлиқ электрон варианти китобхонларга тақдим қилинади.

Электрон каталоглар ҳар бир ўқувчи учун кутубхонадаги зарур ресурс ва фондда хужжатлар мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида маълумот берилади. Каталогга кириш кутубхона веб-сайтидан онлайн режим орқали тақдим этилади

Виртуал ўқиши заллари. Баъзи кутубхоналар учун тўлиқ матнли манбалардан фойдаланиш учун виртуал ўқиши залларини яратади. Ушбу манбаларга кириш виртуал ўқиши заллари орқали онлайн амалга оширилади, Бунинг учун ўқувчи кутубхонага аъзо бўлиб индивидуал логин ва пароль олиши керак. Шунда ўзининг шахсий хонаси орқали вертуал ўқув залига кириши мумкин.

Китобхонлик компетенциясини шакллантиришнинг онлайн методи учун намунавий йиллик режа ҳавола этилди. Ушбу режа асосида нафакат махсус мактаб кутубхоналари ёки ахборот кутубхона марказлари балки Заиф эшигидан фуқароларни ижтимоий, ҳуқуқий қўллаб-қувватловчи бошқа ташкилотларда хам ўзларининг методик ишланмаларини яратишлари мумкин.

Китобхонлик компетенцияси шакллантириш онлайн (визуал) методлари календарь режа намунаси

1. “Шоир ва шоирани топинг” фото – викторина. Бунда адибларимиз фотосуратлари ижтимоий тармоқларда ҳавола этилади. Ижтимоий тармоқдан жавобларни юбориш учун алоҳида bot яратилади. Ушбу bot орқали иштирокчилар жавобларини юборишлари мумкин.

Онлайн (визуал) метод доирасида ташкил этилган ушбу моделдан асосан махсус мактаб ўқувчилари учун таътил эълон қилинган вақтда ташкил этиш яхши натижа беради.

2. “Китоб ўқи ёзда – билим ошир бизда” онлайн китоб бүктрейлерлар видеоролиги намойиши. Эшишида нуқсони бор ўқувчилар учун телеграм ижтимоий тармоғида махсус канал ташкил этилиб ўқувчилар талаб ва истакларига биноан уларни қизиқтирган асарларига аталган видеоролик - бүктрейлер яратилиб ушбу бүктрейлерлар мунтазам телеграм каналида намойиш этиб борилади.

3. “Асар муаллифини топинг” онлайн слайд викторина. Телеграм ижтимоий тармоғида 10 та ёки ундан ортиқ асарга тегишли суратлардан иборат слайд ҳавола этилади, слайдда кўрсатилган асарларнинг муаллифини ўқувчилар топиб махсус bot га жавобларини юборадилар. Юборилган жавобларни тезлиги ва тўғрилиги даражасига қараб китобхонларга онлайн “Фахрий ёрлиқ” ҳавола этилади.

4. “Эртактерапия” рукни остида “Бир бор экан...” модели. Мазкур онлайн моделда болажонлар ўзларининг севимли эртакларини видео ҳавола кўринишида тақдим этадилар. Эшишида нуқсони бор ўқувчилар томонидан юборилган видеороликлар махсус ижтимоий тармоқларга жойланади.

5. “Оилам фахрим” онлайн модели. Моделни моҳияти шундан иборатки, у асосан ёшларнинг ижодий ишларига бағишиланади, яъни махсус мактаб ўқувчилари “Оилам фахрим” мавзусида исталган кўринишида ўзларининг ижодий ишларини масалан: чизилган сурат, қўл меҳнатида ясалган аппликация турлари, ёғочдан, пластилиндан ясалган кўргазмалар, тўқилган, тикилган, пиширилган ижод намуналарни, суратга олиб ҳавола этишади. Тақдим этилган барча ижодий ишлар сурати ижтимоий тармоқда намойиш этилади.

6. “Халқ оғзаки ижоди тарихи” модели. Бунда ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳакида батафсил онлайн маълумот бериб борилади. Жумладан, халқ оғзаки ижоди тарихи, умумий тушунчалар ҳамда халқ оғзаки ижоди дурдоналари матнли, аудио ёки видеоролик шаклида ижтимоий тармоқларда ҳавола этилади. Бунга мисол қилиб “Алпомиш”,

“Гўрўғли”, “Афанди латифалари”, “Равшан” каби достонларга субтитрик видеоролик кўринишида ўқувчиларга ҳавола этилади.

7. “Онлайн бахру байт” модели. Бу моделда А.Навоий, Бобур, А.Қодирий, Чўлпон, Фофур Ғулом, Ойбек каби адибларимизнинг ижодларига аталган лойиҳадир. Бунда китобхонлар учун бир харф танланади. Масалан “В” харфи. Китобхонлар ушбу харфдан бошланувчи шеърларни ўқиб видео тасма юборишлари керак. Видеотасма ижтимоий тармоқларда ёритилади. Энг фаол иштирок этган ўқувчиларга онлайн “Фахрий ёрлик” тақдим этилади.

8. “Жаҳон эртак ва ҳикоялари” рукни модели. Мазкур моделда хитой, япон, корейс, араб, ҳинд, инглиз, немис каби тиллардан ўзбек тилига таржима қилинган замонавий эртак ва ҳикоялар сараламасини онлайн тақдим этилади. Ўқувчиларда ушбу сараламаларни китоб шаклида ўқиши истаги бўлса онлайн буюртма берадилар. Буюртма асосида ушбу эртак ҳикояларнинг қоғозга чоп этилган кўринишини олишлари мумкин.

9. “Аждодлар мероси – илм ёғдуси” модели. Моделни яратишдан мақсад: чет эл музей, архивларида сакланувчи аждодларимиз яратган тарихий, маданий мерослари билан таништириш, уларнинг антиқа кўлёзма асарларини онлайн намойиш этиш. Жаҳоннинг машҳур музейларига онлайн саёҳат қилиш ҳамда ўлкамиздаги музей ва маданий ёдгорликларга видеосаёҳат ташкил этишдан иборат. Видеосаёҳат сурдотаржимон томонидан шархлаб борилади.

10. “Ақлли китобхон” модели. Унга кўра ушбу “Ақлли китобхон” саҳифаси орқали маҳсус мактаб ўқувчилари учун тайёрланган интеллектуал, мантиқий, ақлни чархловчи саволлар, табиий ва ижтимоий фанларга оид онлайн тестлар ҳавола этилади. Ушбу тест, викториналарда исталган китобхон онлайн иштирок этиши мумкин. Фаол иштирок этган, ҳамда ғолиб ўқувчига “Фахрий ёрлик” ҳамда эсдалик совғалари топширилади.

11. “Маърифатнинг чироғисиз устозлар” модели. Бу модел 1 октябрь Устоз ва мураббийлар кунига аталган бўлиб, маҳсус мактаб ўқувчилар ўзларининг устозларига аталган насрый, шеърий ёки бошқа ижодий ишларини тақдим этадилар. Юборилган ижодий ишлар кутубхона томонидан ташкил этилган ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб танловда иштирок этган Устоз ва ўқувчи кутубхона таклиф этилади ҳамда, китоб совға қилинади.

12. “Саводхон кундалиги” модели. #саводхон_кундалиги хештеги остида саводхонликни тарғиб этувчи, ўзбек тилидаги сўзларнинг тўғри ёзилиши шунингдек сўз тарихи ҳақида маълумот берувчи моделдир. Масалан, Тошкент вилоятида ёндош икки шаҳар бор: Ангрен ва Оҳангарон. “Ангрен” сўзи “Оҳангарон”нинг рус тилига бузиб кўчирилган шакли экан. Оҳан – темир, оҳангар – темирчи, оҳангарон – темирчилар деган маънони беради. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов маълумот қолдирган.

13. “Китобхондан тавсия” номли масофавий онлайн кўрик-танлов. Бунда иҳтиёрий ўқувчи ўзи ўқиган энг қизиқарли деб баҳолаган китобни онлайн тавсия этган видеоролик юборади. Ўқувчилар томонидан ҳавола этилган видеотасмалар ижтимоий тармоқда тақдим этилади. Ўқувчилар томонидан катта қизиқиш уйғотган ҳамда энг кўп овоз олган ўқувчига анги китоблар тўплами совға қилинади.

14. “Тинчлик олий неъмат” онлайн расмлар танлови. Танловда маҳсус мактабнинг барча ўқувчилар мавзуга оид ўзлари чизган суратларини bot орқали юборадилар. Ижтимоий тармоқларда барча суратлар тақдим этилади. Энг кўп овоз тўплаган китобхон ғолибликни кўлга киритади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Баева, Л. А. Путешествие в открытый мир [Текст] : коррекционные программы для детей / Л. А. Баева // Библиотечное дело / под ред. Т. Филипповой. – СПб., 2011. – № 19 (157).
2. Гайдай, В. А. Консультационный центр по работе с инвалидами. Эффективная форма методической поддержки [Текст] / В. А. Гайдай // Библиотечное дело / под ред. Т. Филипповой. – СПб., 2012. – № 14 (176)
3. И Юлдашев, Ў Носиров. Кутубхона – ахборот хизмати: Назарияси ва услубиёти. -Тошкент – 2019.
4. Матжонов С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар (ўқитувчи учун методик қўлланма). – Т.: «Ўқитувчи», 1996.
5. Информационные ресурсы библиотек для пользователей с ограниченными возможностями: история и перспективы [Текст] / Н. Э. Кунанец [и др.] // Научные и технические библиотеки / под ред. Я. Л. Шрайберга. – М., 2012. – № 8.